



Жамият



**АХИЛЛИК —
ҲАЁТ ҲИКМАТИ** 2▶

**ЮРТ, МИЛЛАТ
КЕЛАЖАГИГА
ЭЪТИБОР**



4▶



**МЕН СИЗГА
АЙТАМАН** 6▶

**ХАСТАЛИК ДАВОСИ
РУҲИМИЗДА!**



8▶



ЎзА сурат-лавҳаси

“Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивали ўқувчиларнинг иқтидорини кўрсатиши баробарида навқирон авлод камолотиغا кўрсатилаётган алоҳида эътибор намунаси.

**МУҲТАРАМ
ЮРТДОШЛАР!**
Оилангизнинг яна бир
сирдош, дилдош дўстига
айланиб қолган
севимли газетангизга

2016 йил
учун обуна
давом
этмоқда!

Обуна
индекси —
176

МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмоқда.

ОБУНАГА КЎМАКЧИ — “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”!

Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



Реклама ўрнида

АҲИЛЛИК — ҲАЁТ ҲИКМАТИ

Тинчлик-хотиржамликдан ҳам улғурок бахт борми? Тинчгина ором олишни, тоғни осойишталик билан қаршилашни орзу қилаётганлар ҳам оз эмас ахир, бу дунёда...

Меҳнат фахрийси, 81 ёшли табаррук онахон Анна Аҳмедова шулар ҳақида ўйларкан, ўзининг бугунги бахтли ҳаёти, набираларининг бахту иқболи учун истиклолдан миннатдор. У меҳнат қилиб, эл-юртда азиз бўлди. Марғилондаги пиллакашлик корхонасида ишлаб, тўқимачилик саноати ривожига ўз ҳиссасини қўшган онахон самарали фаолиятдан, обрў-эътибор тоғанидан мамнун.

— Шу муқаддас, жаннатмонанд Ватанда улғайдим, бахту камолга эришдим. Ҳаётимизга эркинлик, мустақил фикрлаш, хурлик, фаровон турмуш, эртанги кунга қатъий ишончни олиб кирган Мустақиллик бугун ҳар биримизнинг онг ва шууримизда ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда, — дейди Анна Терентьевна самимий кечинмалари ҳақида сўзлаб. — Гарчи Россияда таваллуд тоған бўлсам-да, 1955 йилда ота-

онам билан Ўзбекистонга кўчиб келганмиз. Ўша вақтларда бизни ўзбеклар ўз жи-

кадрлиси — невараларининг кенг ва ёруғ, замонавий мактабларда, касб-ҳунар кол-



гаргўшасидек қарши олиб, чексиз меҳр-мурувват қўсатишди. Шундан буён кўлбим шу халққа, Ўзбекистонга боғланиб қолган. Кадрдонларим, меҳрибонларимни шу ерда топдим.

Анна Аҳмедова саккиз фарзанднинг онаси. Келинларини ўзбек хонадонларидан туширган. Ўғил-қизлар ҳам бугун турли соҳаларда меҳнат қилиб, ўз йўлларини топишган. Анна Аҳмедова учун ҳамма нарсдан ҳам

лежларида пухта билим олишга интилаётганликларидир. Ўз болагини набиралари ҳаёти билан таққослайдиган онахон истиклол фарзандларининг бутунлай ижобий шарт-шароитлар оғушида улғайишаётганидан фахрга тўлади. Онахон айтганидек, қачонлардир юпун кийинган, билим олиш у ёқда турсин, тўйиб нон ея олмаган болаларнинг тақдири энди олисларда қолди. Шукрки, ана шу ташвишли,

Ўзбекистон — умумий ўйимиз

тахликали, суронли ҳаёт дилбандларининг бошига тушмади. Анна Терентьевна қувончдан тўлқинланиб яна шундай дейди:

— Мамлакатимизда ҳар бир инсон азиз. Қалбларимиз, меҳр ва дўстлик ришталаримиз мустаҳкам. Яхшилик, оқибатлилик кундалик ширимизга айланган. Бир-биримизнинг севинчу ташвишларимизга шерикмиз. Урфу одатларимиз чамбарчас боғланиб кетган. Тўй-маросимларимизда ҳам кўни-қўшнилари елиб-югуриб хизматда бўладилар, — дея сўзини давом эттиради онахон. — “Кексаларни эъзозлаш йили” да эса ҳар бир нуруний ҳар йилгидан кўра кўпроқ кадр ва эъзоз топди. Уларнинг саломатлиги, маданий дам олишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериляпти. Бунинг учун ҳаммиса биз қариялар истиклолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин дея, дуога қўл очамиз.

Ҳа, кунлар ўтаверади, дўстликдан, бирдамликдан ширимиз яшнайверади. Саховатли куёш эса ҳеч кимдан, ҳеч ердан нуруни аямасдан улашаверади. Аҳиллик деган қутлуг фазилат эса худди шу куёш каби қалбларни, ҳаётни нурафшон қилаверади.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Шу кунларда республика-миз микёсида “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилиб, бу борада жойларда кенг микёсдаги тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириляпти.

Туманимиздаги корхона, ташкилот ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли ушбу тадбирларда фаол иштирок этаёпти. Ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилаётир. Нишон деҳқон бозори, Нишон пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти, туман марказий шифохонаси, Нишон агроикти-содиёт касб-ҳунар коллежи, Талимаржон шахридаги барча ўқув муассасаларида ўтказилган тадбирларда, асосан, ёнгиннинг келиб чиқиш сабаблари, ёнгин ўчириш автоматизациясида ёнгинни бартараф этиш чоралари ҳақида аҳолига кенг тушунтириш берилди.

Одатда оловни тилсиз ёвга қиёслашади. Бу бежиз эмас. Биргина эҳтиётсизлик оқибатида катта миқдордаги моддий ва маънавий зарар келиб чиқиб, бепарволик қимматга тушиши мумкин. Айниқса, ҳозирги кишиқировли кунларда, хонадонларни иситишда электр энергияси билан ишлатиладиган мосламаларни эътиборсиз қолдирмаслик лозим. Хусусан, қўлбола иситиш мосламалари ёнгинга сабаб бўлади.

Халқ ҳўжалиги моддий бойликларини асраш, ёнгин хавфсизлиги ойлигини хавф-хатарсиз ўтказиш, нафақат соҳа ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаси бўлмоғи керак.

Азамат АБДИЕВ,
Нишон туман ИИБ
ЁХБ бошлиғи, майор.

ОЛИМАЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Москва давлат университети Тошкент филиалида “Илм юлдузлари” интеллектуал кўрик-танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Илм-фан соҳасида фаолият юритаётган 25-40 ёшлар орасидаги тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини рағбатлантириш, улардаги нуқий қобилият, тил билиш салоҳиятини янада шакллантириш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда 16 нафар фан доктори илмий даражасига даъвогар хотин-қиз иштирок этди. Техника, инглиз тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, биология, тиббиёт, иқтисод, ахборот технологиялари, ҳуқуқ, интернет журналистикаси, педагогика-психология йўналишларида илмий ишлар олиб бораётган иштирокчилар танловда ўз илмий изланишларини намоён этишди, тил билиш борасидаги кўникмаларини тақдимот асосида кўрсатиб беришди.

Ўз мухбиримиз.

АЁЛ МАНФААТЛАРИ: ИМКОНИЯТ ВА ҲАРАКАТЛАР

Бугун “аёл” деган сўз фақат “уй бекаси” маъносини англатмайди. У раҳбарлик салоҳияти, нотикҳлик маҳорати, интеллектуал билим эгаси каби хусусиятларни ҳам ўзига жамлаган. Мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилаётган ислохотларда аёлларнинг жамиятдаги ўрни янада фаоллашуви учун олиб борилаётган қатор ишларни кўрамиз. Масалан, ўтган 24 йил ичида аёллар масаласида хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда ҳам фаоллигини таъминлаш мақсадида 2004 йили Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига қўшимчалар киритилиб, сиёсий партиалардан вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида 30 фоизли квота жорий этилди. Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 16 нафар, Сенатда эса 17 нафар аёл фаолият юритмоқда.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида нафақат жамият микёсида, балки халқаро майдонда содир бўлаётган воқеликларга ҳам мамлакатимиз ўзининг ҳолис ва фаол муносабатини билдирмоқда. Хусусан, 1995 йилда БМТнинг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилиниб, ўша йили Пекин Ҳаракатлар Платформасига қўшилди.

Жорий йилнинг 4 ноябрь куни Ўзбекистон ҳукумати делегацияси томонидан БМТнинг CEDAW қўмитасида “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциясини бажаришга оид 5-даврий маърузаси муҳокама этилди. Олиб борилаётган бу жараёнларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотларининг фаол иштирокини кўришимиз мумкин.

Юқорида амалга оширилган ислохотлар юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази, БМТнинг Аҳолишунослик фонди Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан экинчи Тошкентда CEDAW Конвенциясининг бажарилиши ва Пекин Ҳаракатлар Платформаси доирасида Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳолини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари вакилларини ҳабардор этиш мақсадида “Миллий консалтация” шаклида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ҳамда “Олима” аёллар уюшмаси ходимлари сўзга чиқиб, юқоридаги ҳужжатлар ва уларнинг амалий натижалари хусусида сўз юритишди. Тадбир давомида бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда янги таклифлар тақдим этилди.

Ўйлаймизки, бу каби ўзаро ҳамкорликдаги мулоқотлар мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Камола АДАШБОЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 198-умумтаълим мактабида “Миллий истиклол гоёси ва маънавийат асослари” фанидан очик дарс бўлиб ўтди. Унда мактабнинг ўқитувчи ва методистлари иштирок этдилар. Дарс иккита фан уйғунлигида ўтказилиб, миллий гоёмиз ва мафкурамиз билан бир қаторда, Бош қомусимизнинг 23 йиллик байрамига бағишланди. Фан ўқитувчиси дарснинг мақсади, мавзуси, режалари ҳақида инглиз ва ўзбек тилларида гапириб, бугунги долзарб муаммо — хушёрлик ҳамда огохликни дарс шиори сифатида белгилаб олганлигини таъкидлаб ўтди.

ФАОЛЛИК ОРТМОҚДА

Гуруҳлар мафкуравий иммунитет, гоёвий бўшлиқ, фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат орқали курашиш масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, қатнашчилар Конститутцияга оид саволларга ҳам қизиқарли далиллар ва жаҳонда юз бераётган янгилликлар асосида жавоб бердилар. Бошқа мамлакатларнинг асосий қонунидан фарқли равишда бизнинг Бош Қомусимизда оила, маҳалла институтларига оид алоҳида моддалар киритилганлигини батафсил изоҳлаб ўтишди. Ҳар бир шарт ўзгача кўтаринки руҳда ўтилиб, ўқувчиларга рағбатлантирувчи совғалар берилди.

Ширинхон МҰМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Ж а р а ё н

Бундан роппа-роса йигирма йил муқаддам муҳтарам Президентимиз бир гуруҳ оқсоқол адиб ва олимлар билан суҳбат ўтказган, суҳбат телевидение орқали намойиш этилган эди. Давлат раҳбари йигилганларга бир савол билан мурожаат қилди: "Хўш, ҳурматли оқсоқоллар, Мустақиллик нима ўзи? Унга қандай қиска таъриф бера olasиз?"

Дабдурустан бундай саволни кутмаганларидан бўлса керак, ҳар ким ҳар хил таърифлай кетди. Президентимиз лўнда қилиб: "Мустақиллик бу — ҳуқуқ" дегани ҳозиргидай эсимда. Саволга бошқалар қатори мен ҳам жавоб ахтарган эдим. Ва бошқалар қатори каловланганим ҳам рост. "Дарвоқе!", деб юборганимни билмай қолганман. Шу боисдан бўлса керак, Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ унинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга киришиб кетган эди.

Эслайлик: Президентимиз бир кунда учта фармонга имзо чеккан эди:

1. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида".

2. "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида".

3. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида".

Ҳар учаласи ҳам 1992 йилнинг 8 декабрида чиқарилган. Бу шошилиш эмас, ҳуқуқни мустақамлашга бирйўла, дадил киришиш белгиси эди.

Шулар ҳақида фикр юритганда муайян бир изчилликни ва ундан ҳам муҳими, инсон ҳуқуқлари борасида инсонпарварлик тамойилларининг тобора кучайиб борганини кузатамиз.

Этибор беринг: "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида"ги фармоннинг биринчи бандида шундай дейилади: "Озодликдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган қуйидаги шахслар жазодан озод қилинсин:

а) 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;

б) I ва II гуруҳ ногиронлари;

в) вояга етмаган болалари бўлган ва ҳомиладор аёллар;

г) Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар...

1991 йил 31 август".

Санасига этибор беринг: айнан Мустақиллик эълон қилинган кун ушбу фармон ҳам эълон қилинган. Уша санадан ҳозирги кунгача 42 та амнистия тўғрисида фармон чиқарилган. Бу давлат сиёсатининг аввал-бошдан кечиримлилик ва инсонпарварлик тамойилга асосланганлиги белгиси эмасми?

Шу ўринда беихтиёр 1937 ва 1953-йиллардаги шўро давлатининг қама-қама, ўлдир-ос сиёсати эсга тушади. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту... ўзбек адабиётининг яшнаб турган гуллари айни қирчиллама ёшларида ҳеч қандай асоссиз ҳазон қилиб юборилди. Юртимиз истиқлолга эришгач, улар тўғрисидаги ҳақиқат баралла айтилди, матбуотда чоп этилди. Жумладан Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида адолатсизлик қурбони бўлиб кетган ўнлаб маърифатпарвар аждодларимиз номлари ҳурмат билан зикр этилади.

Абдулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрь куни ак-

га алам қилмайдими?

Абдулла Қодирий ва бошқа репрессияга учраганлар сиёсатнинг, гоёнинг қурбони бўлиб кетишади. Баъзи маъдоҳлар омон қолди. Аммо... улардан "Утган кунлар" янглиг асар қолмади.

Халқнинг ҳуқуқлари 50-йилларда тагин топталган, яна ёппасига қама-қамалар бошланган, Усмон Носир, Миртемир, М.Исмоилов, Шайхзода, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад каби мўтабар адибларимиз Россия камоқхоналари жабрини тартишди. У.Носир қамоқда вафот этди. Зўравонлик қиличи ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам ҳали қинга кирмаган эди. "Пахта иши" деб атал-

раҳбариятига келиб қолиши, аввало, шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан, ГДЯн ва Иванов гуруҳи йўл қўйган конунсизлик ва конун бузилишларини пайқамасликка уриндилар.

Сўнги вақтда Ўзбекистондаги соғлом кучлар халқни ана шу адолатсизликдан химоя қилиш учун анча иш қилдилар, аммо бундан буюн янада кўпроқ иш қилиниши керак".

Бир инсон, қолаверса халқимизнинг ўтмиш ҳаётига ачиниб қаровчи қаламкаш сифатида ўйлаб қоламан: ура-ур, сура-сур, муттасил

ИСТИҚЛОЛГА ЭЪТИҚОД, КЕЛАЖАККА — ИШОНЧ

силшўровий, аксилнқилобий ҳаракат аъсоси, асарларида миллатчиликни тарғиб қилганликда айбланиб қамоққа олинади. Ёзувчи ўзига қўйилаётган бирорта айбни тан олмайди. Қийноқ, уриш, сўқиш, мажбуриятлардан сўнг ҳам у ўз сўзида қатъий туради. ДХБ зобитлари ёлғончи гувоҳлар топиб, юзлаштириб, очикдан-очик тўхматлар ҳам уоштиради, буларни жиноят папкасига солиб, айблов эълон қилишади.

Қодирий бир нарсага қаттиқ ишонарди: шўрога қарши суҳбатлар кечган йигинларда қатнашгани рост, бироқ у 1932 йилга қадар бўлган. Совет конунчилигида беш йил ўтгач, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилади. Шу боис мени жавобгарликка тортолмайдилар деб ўйлайди. Аммо фирром тергов, тўхмат-айблар уни тобора чоғга итарар эди. Ҳар куни ўтказиладиган бир хил терговлар унинг асабини қақшатарди. Ҳарбий дала трибуна-

ли уни отувга ҳукм қилади. Ҳукм 1938 йилнинг 6 октябрида чиқади, лекин ёзувчи бир кун бурун — 5 октябрда отилган эди...

Оиласига, ҳатто 1950 йилда ҳам унинг тақдири нима бўлгани хабари берилмайди, сир тутилади. Сарсон-саргардонлик 1956 йил, яъни ёзувчини оқлаш лўзим бўлгандагина барҳам топади. Бу вақтга келиб Қодирийнинг тергов қилган ДХБ ходимларидан ҳам баъзилари аксилшўровий, аксилнқилобий ҳаракат аъзолари сифатида отилади. Қодирий фарзандларига отасининг оқлангани хусусидаги патта тутқазилади. 18 йил бурун ўзлари олий жазога ҳукм қилиб, уни тўхтовсиз ижро қилиб, ҳатто қаерга дафн қилинганини ҳам сир тутиб, бу мусибатда инсонлардан тагин "суюнчи" олмақчи бўладилар.

Бундай ҳуқуқсизлик одам-

дан мудҳиш ҳодиса қанча меҳнаткашларнинг бошига етди. Неча-неча обрўли инсонлар бадном этилди, қамалди.

Мухтарам Президентимиз ўша кунларни "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарида бундай эслайди: "Ҳозир шунки эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаёти кадрлар билан ишлашдаги жид-

дулмлардан, адолатсизликлардан зада бўлган бу халқ қачон рўшнолик кўрган ўзи?"

Истиқлол неъматидан ҳар қанча айланиб-ўргилсанг арзийди. Ҳаёт ширин, озодлик ундан ҳам ширин!

Конституциямизнинг VII боби 26-моддасида "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг



дий хатоларни бартараф этишга, қонунчиликни кўпол тарзда бузишга чек қўйишга ва одамларни ўзбошимчликдан муҳофаза этишга қаратилгандир...

Мамлакат марказий идораларида ҳам муайян кучлар ўзларининг гаразгўйлик мақсадларида бундан фойдаландилар.

Оммавий ахборот воситаларида халқни далил-исботсиз тахқир этиш, айрим ҳалол меҳнаткашларни маънавий эзаш, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижоричиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилиши халқнинг дарди устига чипқон бўлди.

Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг орномуси ва қадр-қимматини химоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон компартияси ва республика

айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб бериларди.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги таъзиққа дучор этилиши мумкин эмас", дейилади.

Қодирий ва Чўлпон сўроққа тутилган пайтда ҳам балки совет қонунчилигида зўравонликка йўл қўйилмайди, деган қоида бўлгандир. Бироқ улар додини кимга ҳам айтишарди?

Кейинги йилларда Ўзбекистонда судлар иши либераллашди. Олий жазо бекор қилинди. Иқтисодий жиноят билан боғлиқ ишлар, агар қамомат тўлаб берилса, жиноят ҳисобланмайдиган бўлди. Яраштирув институти ташкил этилди. Унга қўра

Эътироф

даъвогар даъвосидан кечса, яъни кечирса, шахс судланганлик ҳолатига тушмайди. Бу борада маҳалла, у ердаги оқсоқоллар, қариндошларнинг роли жуда муҳим ўрин тутди. Ҳатто, мана, телевизор орқали кўряпмиз, оғир жиноятга қўл урган, қонуний диний-экстремистик ҳаракатларга қўшилиб қолган шахслар ҳам астойдил пушаймонлигини изҳор этса, афв этиляпти. Ахир, инсон адашиши, бировлар кутқусига билмай учиши ҳам мумкин. Бироқ энди у давлатнинг, Президентнинг инсонпарварлигига иймон келтиряпти, қайтиб бу ишга бош қўшишга уяляпти...

Абдулла Қодирий ўз замонида "Марксдан — илҳом, Лениндан — сабоқ олдим" деб тавба қилса ҳам шўро сиёсати йўқ, сен бизга душмансан, деб тураверди. Сирасини айтганда, шўро маърифатли инсонлардан кўрқар эди. Зули, эксплуатация ва зўравонликка, адолатсизликка асосланган жамияти бу кўзи очик инсонлар томонидан норозилик билан қабул қилинаётганини билар эди. Шу боис у буюк ёзувчимиз, улуғ олимми — қараб ўтирмас эди, унда юртпарварлик, миллатни севиш туйғуси борми — шунинг ўзи мавжуд турзумни ёқтирмаслигига етарли далолат эди. Судда асос керак бўлгани учун элга зўравонлик, таъзиқ, кўрқитиш билан зуғум ўтказар, "аксилнқилобий ҳаракат аъсосиман" деб тан олишини, демак, отувга муносиб эканини гўё исботлаб, сўнг олий жазога ҳукм қилиб, тезроқ, ўзларининг таъбири билан айтганда "тўхтовсиз"-ижро этишни хоҳларди.

Шундай ҳам бўлди. Шунинг учун 1956 йилга келиб, улар оқланиши лўзим бўлганда халқ душмани эмаслигини айтишга қаловлаиб қолди. Зўр-базўр жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни лўзим

деб топишга мажбур бўлди.

Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Бехбўдий, Усмон Носир, Авлоний, Мунаввар қори, Боту, Элбек, яна ўнлаб, юзлаб маърифатпарвар зотлар ўзлари яшаб турган муқаддас Ватан озод бўлишини, бу халқ бошини тик тутиб яшашга муносиб эканини баралла айтишни хоҳлардилар.

Мустақиллик йилларида бу адибларнинг асарлари ёруғлик кўрди, қўллаб нусхада чоп этилди, юбилейлари ўтказилди, номлари абадийлаштирилди, ўзлари юксак мукофотларга лойиқ деб топилди, тинимсиз эътироф этилди ва эътироф этиляпти. Зеро, биз уларни қадрлаганмиз — улуғ Истиқлолни эъозлашимиз белгисидир.

Яхшилик, эзгулик, инсонпарварлик қарор топган юртда буюк келажакка қатъий ишонч руҳи ҳукм суради.

Собир УНАР.

ЮРТ, МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭЪТИБОР

Олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Махмуда ИМОМ-КУЛОВА ўз соҳасига ўта масъулият билан қарайди. Хузурига даво истаб, маслаҳат сўраб келган ҳар бир аёлнинг дарду ташвишини ўзиники деб қабул қилади...

— Махмуда опа, тиббиётнинг гинекология йўналиши сермашаққат, сабр ва меҳр талаб қиладиган касб ҳисобланади. Айтинчи, сиз нима учун айнан шу соҳани танлагансиз?

— Тўғри, акушер-гинеколог фаолияти нафақат аёл саломатлигини, балки бевосита миллат келажагини ҳам белгилашга хизмат қилади. Ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом гўдакнинг дунёга келишида бизнинг зиммамызга ҳам алоҳида масъулият юкланади.

лашга юборишгани боис мен ҳам бирга кетдим. Аввал Бухоро вилоят туғруқхонасида интернатура (магистратура)ни ўтадим. Сўнг Учқудуқ шаҳридаги Навоий тоғ-кон комбинатига қарашли туғруқхонада саккиз йил акушер-гинеколог бўлиб ишладим. Бу вақт ораллигида икки нафар фарзандли бўлдим. У ерда шифокорлар етишмасди. Тиббий жиҳозлар кам, қулайликлар йўқ эди. Гинекология ҳамда туғруқ бўлимига ҳам бир ўзим қарардим. Бир вақтнинг ўзида икки аёлнинг тўлғоғи бошланиб, қай би-



Оиламизда ҳеч ким тиббиёт соҳасида ишламаган бўлса-да, ёшлигимдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Чамаси беш ёш пайтимни эслайман, уйимизда кимдир касал бўлиб қолса, қўшнимиз Зухра опа чиқиб укол қилардилар. Унга ҳавасим келар, “Катта бўлсанг, ким бўласан?” деб сўраганларга ҳеч иккиланмай, “Албатта, шифокор бўламан”, деб жавоб берардим. Йиллар ўтиб ёшим улғайгани сайин бу соҳага қизиқишим янада орта бошлади. Тиббиётга оид китобларни, мақолаларни кўриб қолсам, ўша заҳоти эринмасдан ўқиб чиқардим. Тўққизинчи синфни битиргач, синф раҳбаримиз уч ойлик таътил давомида ўзимиз истаган соҳа бўйича иш ўрганишимиз мумкинлигини айтди. Айрим сифодошларимни мактабларга, маиший хизмат уйлари, тикувчилик цехларига жўнатишган. Ушанда мен тиббиёт масканига боришни сўраганман ва Чилонзор туманидаги ҳозирги марказий поликлиниканинг ўрнида жойлашган “Болалар ўткир ичак юкуми касалликлари” шифохонасининг “Бир ёшгача бўлган болалар бўлими”да ҳамшира ёрдамчиси бўлиб ишладим. У ердаги фаолиятим давомида оғир аҳволда келган кичкина чақалоқларнинг ҳаёт учун курашишларини, интилишларини кўриб, юрагимдаги орзуларим қатъий мақсадга айланди. 1985 йил мактабни имтиёзли равишда битириб, Тошкент Тиббиёт институтига ўқишга қабул қилиндим.

— Акушер-гинеколог сифатида илк бор қаерда иш бошлагансиз?

— Бухоро вилоятининг Учқудуқ шаҳрида. Чунки, институтни битириш арафасида турмушга чиққандим. Турмуш ўртоғимни шу манзилга иш-

рига қарашни билмай шошиб қолган вақтларим бўлган. Фақатгина мураккаб жарроҳлик операцияларнигина бўлим бошлигимиз билан иккимиз ўтказиб, аёллар ҳаётини сақлаб қолардик. Баъзан туғруқ пайтида қон кетиши, йўлдош кўчмаслиги, мия қон босимининг ошиб кетиши ва яна бошқа шуларга ўхшаш турли хил хавfli жараёнлардан ҳам муваффақиятли ўтганмиз. Ҳозирги тезкор тараққиёт даврида бундай нотўқис имкониятларни гапирсак, эшитган одамга худди эртақдек туюлади. Бироқ минг шукрки, бугунги мустақил юртимизнинг замонавий-тиббий технологияси ҳар қандай ривожланган мамлакат билан тенглаша олади.

— Табиийки, қабулингизга нафақат ҳомиладор аёллар, балки кўп йиллар давомида бефарзандликдан азоб чекаётганлар ҳам нажот истаб келишади?

— Албатта, афсуски, бефазандликнинг турли муаммоларидан шикоят қилувчилар ҳам учраб туради. Ростини айтсам, уларнинг дардини ўз дардимдек қабул қиламан, умидлари — менинг умидим. Беморда ҳам, менда ҳам ишонч ва ҳафсала бўлсагина, кўзланган натижага етишимиз энгилроқ кечади. Қабулимга келган аёлга аввало, аниқ ташхисни қўйиб, сўнг даволаш муолажаларини бошлайман. Маълум бир вақт ўтгандан кейин ҳомила пайдо бўлса, ўша она билан баб-баробар қувонанман. Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларидан келиб даволаниб, фарзандли бўлиб кетганлар ҳам талайгина. Бундан 5 йил аввал 15 йил бефарзандликда яшаб, умид билан келган бир оилга фарзанд қувончини берганимизда жуда хурсанд

Замондошларимиз

бўлдик.

Шу ўринда бухоролик Раҳматилло ва Мунаввар исми ёш келин-куёвлар ҳақида гапириб беришни жуда истардим. Чунки бу каби ҳолат камдан-кам учрайди. Улар оила қуришганига беш йил бўлган, бироқ фарзанд йўқ эди. Текширувлардан ўтказиб, даволашни бошладик. Келин-чакнинг организмидаги гормонал бузилишни меъёрига келтиргунимизча орадан бир йил вақт ўтди. Ва ниҳоят, ҳаракатларимиз ўз самарасини бериб, у ҳомиладор бўлди, яна денг, эгизаклар! Буни билгач, Мунавварни ўз уйимга олиб кетиб парвариш қилдим. Чунки бу гўдаклар ўз фарзандимдай азиз эди. Вақти-соати етиб, чақалоқларини бағрига босиб, бахтиёр қайтишларини жуда-жуда истардим. Бироқ минг афсуски, ҳомила олти ойлик бўлганда уларни сақлаб қоламдик. Бу биз учун катта йўқотиш эди. Иккаламиз ўтириб, роса йиғладик. Орадан олти ой ўтказиб яна муолажаларни бошладик. Бир йилдан кейин Мунаввар яна ҳомиладор бўлди. Ультратовуш орқали не кўз билан кўрайки, ҳомила учта ўғил эди. Қувончимиз ичимизга сизмасди ўшанда. Уларни асраб-авайлаб, парваришлай бошладик. Шундай бўлса-да, истакларимиз бу сафар ҳам амалга ошмади. Яратганининг инояти шу экан, ҳомидалар беш ойлик бўлганда “тушиб қолди”. Мунаввар билан опа-сингилдай эдик. Иккаламиз ҳам умидимизни сўндирмай, яна муолажаларни бошладик. Ҳамма дардни вақт даволайди, деб бекорга айтилмаган экан. Шунча саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади, ҳозир Мунаввар ва Раҳматиллонинг икки нафар Умиджон ва Муҳаммадали исми ўғиллари бор. Бугун улар бахтиёр оилалардан бири бўлиб яшашпти. Гоҳида мени йўқлаб келиб қолишади. Уларни кўриб қувониб кетаман.

— Фарзандларингиз ҳам сизнинг касбингизни танлашдими ёки бошқа касбимиз?

— Қизим Мафтуна шифокор бўлиш учун астойдил бел болаган. Гинекологияга жуда қизиқади. У бир файзли оила бекаси. Фарзанд тарбияси билан банд. Ўғлим Сардор эса техника соҳасини танлади.

— Махмуда опа, муштарийларга тилакларингиз.

— Мамлакатимизда сўнги 24 йил ичида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган маърузасида Президентимиз келгуси йилни “Соғлом она ва бола йили” деб номлашни таклиф этганларида барча оналар каби мен ҳам жуда қувондим. Негаки, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар тўғрисида бугуннинг болалари соғлом, оналари бахтиёр яшашпти. Бугунги келин-қизларнинг бахтини қарангки, улардан давлат миқёсида фақат ўзларига, саломатликларига эътиборли бўлиш талаб этилмоқда. Аёлга, онага бўлган бундай юксак эътибор — юрт, миллат келажагига эътибор десам арзийди. Ниятимиз ота-оналар, келин-қизлар ва фарзандларимиз ҳамisha соғ-саломат бўлишин. Ҳар бир хонадонда чақалоқлар қулгуси янгрисин!

Барно МИРЗААХМЕДОВА
сўхбатлашди.



КАТАРАКТА — қариллик ёки баъзи касалликлар оқибатида кўз қорачиғи орқасидаги ойнасимон қисмининг, яъни кўз гавҳарининг хиралашувидир. Бироқ бу сўзнинг туб илдизи қандай маънони англатишини ҳамма ҳам билавермайди. “Катаракта” сўзи асли, юнонча бўлиб, унинг туб илдизи “шаршара”, “юқоридан тушиб турадиган” деган маъноларни англатган.

Мурод оқсоқолнинг кўзларини махсус мосламалар билан синчиклаб текшириб кўрган профессор: “Катаракта бу, ташвишланманг, даволаймиз”, — деди.

Журналдан

МУЖАССАМ ВА ТАЖАССУМ — сўзлари битта илдиздан ўсиб чиққан. Бу сўзларнинг илдизи “шаклланиш”, “гавдаланиш”, “қатталаниш”, “бўрттирилган”, “аниқ тус ва шакл олган” каби маъноларни англатади.

Ким эди у, демасангиз айтаман. Унинг меҳрида оналик ва аёллик фазилати мужассам.

Зулфия

Ўша шеърда бутун

оламнинг

Шавқу дарди эди

мужассам.

Эркин Воҳидов

Инсон табиатининг порлоқ, хира, рангсиз, қора ва ҳоказо жонсиз жилвалари кўз олдида тажассумланади.

Ойбек

СУҚБАРМОҚ — қадимги даврларда кўрсаткич бармоқни суқбармоқ деб атаганлар. Маҳмуд Кошғарий ҳам бу бармоқни “суқбармоқ” деб изоҳлаган. Кўрсаткич бармоқни “суқбармоқ” деб аташ ҳозир ҳам айрим шеваларимизда сақланиб қолган.

Суқбармоқ — ўқ бармоқ.

Мақол

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Харидор сотувчидан бу маҳсулотингиз қаерда ишлаб чиқарилган, сифати қанақа, деб сўраши табиий. Чунки кейинги пайтда реклама жуда оммалашди. Севимли сериалингиз бошландими, реклама, йўлда кетаяписизми, радиога реклама, баланд бино устидаги тасвирда реклама, қатор бозору дўконларда ҳам шундай ҳолат ҳукмрон. Демак, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ана шундай тарғибот воситасига қайта-қайта дуч келаверамиз. Сифатли, ҳамёнбоп маҳсулотларнинг бозорларимизда

эса харидорларнинг биттага камайиши билан кўрсатилади. Ҳаммага ҳам бирдек маъқул келадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг иложи йўқ. Миллиардлаб одамларнинг хоҳиши ҳам шунга яраша бўлади.

Ёки шейпинг заллари, тренажёр машғулотларини олайлик. Бундай атамалар ҳам ҳаётимизга сингиб кетди. Негадир, тез-тез ана шундай реклама банерлари олдида ўтамиз. Қаддиқоматни расо қилувчи, семириш ёки озиш имконини берувчи маълум спорт жиҳозлари билан бойитилган, мураббийларга эга бу каби иншоотларда

Мулоҳаза

Мологья фанлари номзоди, доцент Нозима Муротова. — Маҳсулотни реклама қилишда тўғридан-тўғри, кўчма маънодаги тасвирлардан фойдаланилади. Бугунги рекламаларни кузатганимизда айрим ташкилот ва реклама агентликларининг савиясиз ва саводсиз, энг ачинарлиси, аҳолининг миллий менталитетидан беҳабар фаолият юритаётганини кўрамиз. Бу ҳолат шахснинг бевосита ўзини ўзи ҳурмат қилиши билан боғлиқ. Бу умий маданият. Шу ўринда рекламада тасвирдан фойдаланишда касбий-ахлоқий нормаларга эътибор бериш кераклигини ҳам таъкидлашни истардик. Кўпинча рекламаларда хорих актёрларининг тасвирларидан фойдаланилади. Ҳар битта актёр имиджи учун маълум миқдорда пул олади. Айрим масъулиятсиз ишбилармонлар эса буни билишмайди. Шу сабаб тadbиркор нафақат ўз соҳасини, балки рекламага оид қонун-қоидалар, қолаверса, ахлоқий ва касбий меъёрларини билиши лозим деб ўйлайман.

Дунёда Шарқ аёлининг нозик ва сирли эканлигига бежиз ургу берилмаган. Табиатан ҳаё ва ибони биринчи ўринга қўювчи аёллар ўзлари қияётган либосларда ҳам ана шундай нозик талабларга қатъий риоя қилишади. Қизиқ манзара: Аёлларнинг бир қутига тартибсиз ташланган ички кийимлари харидорлар юрадиган йўлнинг ўртасига қўйилган эди. Кимдир бепарво, яна биров идишга туртиниб ўтиб борар, ҳаттоки айримлар (улар орасида сайёҳлар ҳам бор) идишдаги буюмларга қараб қулиб кетишарди... Демак, шу ўринда сотувчининг ҳам маънавий савияси сезилиб қолади!

— Бирор либос сотиб олишга борсак, нимани танлашни ҳам билиш кийин, — дейди ўқувчи Шаҳодат Раҳматуллаева. — Аммо, тез-тез бозорлардаги ноҳуш манзараларни кузатаёلمиз. Менинг фикримча, харидорларга намойиш этиб қўйиладиган ва маълум маънода бошқа бир йўллар билан кўрсатилиб ёки ёзилиб қўйиладиган маҳсулотлар бор. Сотувчи, тadbиркор ёки харидор маданияти бир-бири билан боғлиқ. Мақсад маҳсулотнинг борлигини, тезроқ сотишни кўзлаш эмас, аксинча, харидорнинг талаб-эҳтиёжидан ташқари диди ҳамда маданиятини ҳам ҳурмат қилиш муҳимдир.

Фарзандларининг маънавий етук ва миллий қадриятларимизга меҳр ва ҳурмат руҳида улғайишига ҳаракат қилаётган ота-оналар ёт тушунчаларга кунда-кунора эмас, ҳар он диққат қаратишимизни таъкидлашади. Бунинг тағида ҳам хикмат бор.

Камола РАҲИМХҲАЕВА.

СУРАТ ВА СИЙРАТ РЕКЛАМАСИ

кириб келаётгани, тadbиркорларнинг сони ортиб, соғлом рақобат муҳити шаклланиши яхши, албатта. Лекин асосий урғунинг рекламага қаратилаётганига нима дейсиз? “Реклама” сўзи аслида, италянча – бақирши, чақирши ва жалб этиш деган маъноларни англатади. Дастлабки реклама Мисрнинг Мемфис шаҳрида тошга ўйиб



ёзилган матн бўлиб, унда: “Мен Мисос, Кипр оролида яшайман. Аллоҳнинг розилиги билан тушларингизни келишилган нархда изоҳлаб бераман”, деган сатрлар битилган. Қадим Шарқда ҳам реклама оғзаки кўринишда учрайди. Яъни, бозорларда савдогарлар ўз маҳсулотларини “Оп қолинг, кеп қолинг”, “Олганлар дармонда, олманганлар армонда”, деб реклама қилишган.

Эътибор берганмисиз, машхур “Шум бола” фильмида ҳам реклама намуналари бор. Бош қаҳрамон маҳсулотларини мақтаётган сотувчиларни кўриб, ўзи билан бирга олиб келган “бир қоп чириган олма”сини ҳам мақтаб-мақтаб сотади. Катта томоша ва рекламаларга бой бозорда яна бир қизиқ ҳолатни айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ, чунки айнан шу манзара мавзуйимизга оид: ...Дўсти Омонни кўрган Қоровой у билан бозорни айланади, шунда намойиш этилаётган ва “реклама” қилинаётган томошаларда иккита воқеалик юз беради. Бири расмлар қутисидagi “ҳаёсиз аёл” сурати ва яна бири рус цирк томошасидagi акробатнинг хатти-ҳаракати...

Бу ҳар икки ноҳуш манзарага нисбатан қаҳрамонларда қарши муносабат намён бўлади. Уларда, уят, андиша тушунчалари юзага чиқади. Бу

шуғулланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Гўзал бўлиш учун интилиш, албатта, яхши. Лекин, бу каби машғулотларни олиб борувчилар “реклама”сида аёллар ва эркекларнинг ярим яланғоч қоматини намойиш этиши тўғримикин? Аёл нозик “гул”-га қиёс қилинади. Эътибор берайлик, “фалончи аёл” эмас, аёлларнинг барчаси нозик хилқат вақили, шарқона урф-одатлар билан улғайган оналар ва қизлар “мушак”ни ўтган кетган ёшу қарига намойиш этиб туриши бу “нозиктаб” жинс вақиллари шаънига путур етказмасмикан? Кўча-қўйда қизларимизнинг меъёридан қалта либосларни кийиши ҳақида гапирамиз, улар бу каби либосларни ўзлари тикиб кийишмайди-ку. Ана шундай, фикру ҳаёлимизни бузувчи рекламалар бунга сабаб бўлиб қолмаяптими? Момолардан қолган қадриятлардан бири қиз боланинг ҳаёли-иболи, айниқса, эркеклар олдида мулозаматли бўлишидир. Гўзал аъналаримиздан яна бири — эркек кишининг йўлини кесиб ўтмаслик, ёки улар олдида ёнбошлаб, ястаниб ётиб олмаслик. Бу каби ёзилмаган қоидалар аёлларни сирли ва сехрли қилади.

— Рекламанинг бирламчи вазифаси ва асосий мақсади истеъмолчини жалб этишдан иборат, — дейди фи-

<p>ЭЪЛОН! Умаров Камолидин Бахриддинович номига берилган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 8-мавзе, 37-уй, 6-хонадон кадастри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>	<p>ЭЪЛОН! Тошкент ахборот технологиялари университети телекоммуникация факультети томонидан Болтабоев Шерзодбек Ҳасанбой ўғли номига берилган № 34007-12 рақамли талабалик гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>	<p>ЭЪЛОН! Холиқова Холида Максудовна номига Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Ватутин номли (ҳозирги 273-мактаб) 26-мактаб томонидан 1988 йилда берилган № 793509 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>	<p>ЭЪЛОН! Тошкент ахборот технологиялари университети телекоммуникация факультети томонидан Абдураимов Фарҳодбек Эркинжон ўғли номига берилган № 34009-12 рақамли талабалик гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</p>
---	---	---	--

РЕКЛАМА

АНДРОЛОГИЯ ТИББИЁТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

қуйидаги йўналишлар бўйича соғлигингизни тезда тиклашга ёрдам беради:

АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ (гинекология хизмати) — Турли яллиғланиш хасталиқларини аниқлаш ва даволаш; аёллар гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш; аёллар бепуштлигини аниқлаш ва даволаш; ёшга нисбатан бўлиши мумкин хасталиқларини аниқлаш; ҳомилдорликни аниқлаш.

ЭРКАКЛАР САЛОМАТЛИГИ (урولو-андролог хизмати) — Жинсий аъзолардаги яллиғланиш касалликларини аниқлаш; эркеклар саломатлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва даволаш; эркеклар бепуштлигининг сабабларини аниқлаш ва даволаш; ёшга доир гормонал касалликларини аниқлаш ва даволаш.

ТУРЛИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ — қондаги биохимик таҳлиллар (Алт, Аст, билурубин, холестерин ва бошқалар), гормонлар таҳлиллар, ўсма касалликларини аниқлаш таҳлили; вирусли гепатит касалликларини аниқлаш.

УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВА ДОПЛЕРОГРАФИЯСИ (УЗИ).

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 14-мавзе, 28-уй. Тел: (+99871) 275-82-73.

ШАМОЛЛАШ АЛОМАТИ КЎП

Қиш-кировли кунлар бошлангач, кишилар ўртасида тумов билан хасталаниш тез-тез учраб туради. Бугунги кунда дунёда энг кенг тарқалган ушбу касаллик, асосан, кеч кузда, қашда ва эрта баҳорда пайдо бўлади. Бошланишининг сабабларидан бири, бу мавсумда жисмоний фаолликнинг пасайиши, пийда кам юриш. Шу тобда инсон танаси заифлашиб, совуқ ҳавода нафас олиш тезлашади. Шунингдек, совуқ ҳавода кучли овқатлар — қовурмалар, тухум, каюб, сут ва ширинлик кўп истеъмол қилиниши оқибатида хорғин танада мувозанат бузилади, бу эса тумовнинг пайдо бўлишига олиб келади. Куз ойдан то баҳоргача шолғом шўрва ичиш, кўпроқ туруп истеъмол қилиш айни муддаодир.

Шифокор маслаҳати

Тумов беморларнинг мижозига боғлиқ ҳолда бир хилда кечмайди. Нафас йўли касалланганларда бу дарднинг тузалиши оғир кечади. Ушбу касаллини даволаш учун замонавий тиббиётда кўплаб дори-дармонлар тавсия этилади. Бироқ бугун сизларга дарддан халос бўлишининг оддий усули ҳақида тўхталмоқчимиз. Биринчидан, ўзида тумов аломатларини сезган киши муолажани ётган ҳолда бошлаши шарт. Акс ҳолда, оёқда юриб кечган дард ички аъзоларга оғир асорат бериб, бошқа бир дардни чақиритиши тайин. Бемор ҳар кун оралиқ вақтларида тўғралган яримта пиёз ёки ярим боғ кўк саримсоқ пиёз қўшилган ярим коса қатикни бир бурда суви қочган нон билан еб туриши яхшидир. Тушлик ва кечқурунги таомномада қовурилмаган, гўштсиз хўрда ёки шўрва бўлиши аҳамиятлидир. Қовурилган, ёлғиз таомлардан сақланган ҳолда, ширинликлардан ҳам тийилиш муҳимдир. Шакар қўшилмаган мева, сабзавот шарбатлари кони фойда.

Муолажа олиб борилаётган хона ҳарорати мўътадиллигини инобатга олган ҳолда, тез-тез шамоллатилиши, хона чироғининг қуввати 40-60 вольтдан ошмаслиги керак. Беморга чой ўрнида янтоқ ёки наъматак дамлаб берилади: кечаси ерга қараб ётиши тавсия этилади, бунда унинг ёстиги юмалоқ ва қаттиқ бўлишига аҳамият бериш. Даволаниш чоғида беморнинг чўмилиши таъқиқланади, ҳўл, илиқ латта билан артиниш кифоя. Кечаси унинг оёқ тағига асал компресс қилиниб, хонада исирқиқ тутатган маъқул.

Юқоридаги тавсияларимизга амал қилсангиз, тезда соғайиб, яна сеvimли ишни бошлаш имкониятига эга бўласиз.

Дилбар ҒУЛОМОВА,
олий тоифали шифокор.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!
Қадри
Шавкат Султонов!
Сизни муборак 63 ёшингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз! Сихат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, тинчлик-тотувлик тилаймиз!
Ҳамиша соғ-саломат бўлинг!
Тахририят ходимлари

МЕН СИЗГА АЙТАМАН

Аёл оқилаю, эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон.

Хисрав Дехлавий

Газетанинг шу йил 16 сентябрдаги 37-сонида "Икки йўл орасидан" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган, фарзандларининг тирик етим бўлишини истамаётган отанинг дил ноталари берилганди. Унга кулоқ тутиш-а...

Мақолани ўқиб, Дилафрўзага бир-икки калима насиҳат айтмоқчи жоиз деб билдим. Халқимизда ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деган гап бекорга айтилмаган. Сиз тўққиз йил фарзанд кўрмай, не ҳолларга тушганингизни унутдингизми? Собик қайнонangиз билан эрингизнинг: "Сен ярамас, туғмас хотинсан..." деган ҳақоратлари, дашномлари ёдингиздан чиқди-ми? Сиз ношукрик қиял-сиз. Фарзандларингизнинг эртанги кунини ўйламайсиз. Уларни ота меҳридан жудо қилиб, катта таҳота йўл қўяйсиз. Эрингиз анча инсоқли, уйим-жойим, бола-чакам, дейдиган мард эркаклардан экан. Уни ҳам қадрига етмай, хато қиял-сиз. Кун келиб, афсус-надоматлар қиласиз, гардиға зор бўласиз. Лекин ўшанда кеч эканини англайсиз.

Болалар катта бўлиб, ҳаётнинг пасту баландини тушуниб, сиздан нафратлинишлари мумкин. Бола ўз уйида, ота-онаси бағрида ўйнаб-қулиб, яйраб-яшнаб, улғайса қандай яшай. Эрингизни яхши инсонлигини биринчи аёли билан тўрт йил ахил, тинч яшаганидан билса бўлади. Бу ҳамма учун бир ибрат деб билман. Қолаверса, у тўққиз йил фарзанд кўрмаганингизга қарамай, фарзандли бўлиш илинжида таваккал қилиб, сизга уйланди.

Эр-хотин ўзаро муносабатларга катта эътибор билан қараш, ўзаро ҳурмат ва

ишончли ардоқлаши, бир-бирини тушуниши, кўнглини топиш учун интилиши, баъзан ёнбе-ришдан орланмаслиги керак. Эр-хотин муносабатида бефарқликнинг пайдо бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади. "Эр-хотиннинг уриши — дока рўмонлик қуриши", "Хотиннинг сариштаси — уйнинг фариштаси", "Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрсанг", "Сабрнинг таги сариқ олтин", "Эркак осмондан тушган эмас, аёл ердан чиққан эмас"



каби нақлларнинг маъно-мазмунини қақиб, керакли хулосалар чиқарсангиз яхши бўларди.

Оилада эркакнинг ўрни, қадри ва бурчи доимо диққат-эътиборда туриши лозим. Эр-хотин, одатда, бир-бирига дўст, ҳасратдош, маслақдош бўлади. Эр-хотин кўша қариб, бахтли оила қуришлари учун аёл киши куйидагиларга амал қилиши мумкин: Эрингиз феъл-атворини ўрганиши, тушуниши, кўнглини топишга интилиши, янги оила шароитига мослашиши, келинлик, бекалик, аёлликни ўрнига қўя олиши, қайнота-қайнонани ўз ота-онасидек кўриб, ҳурматлаши, уларни маслаҳатгўй деб билиши, оила сирини ташқарига чиқармаслиги, сир сақлаши, уларни характердаги ёмон одатлар, айёрлик, манманлик, "сендан камманми?", "бўлганим шу" каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, гоҳида ён бериб, муросаю мадора қилиш

ҳам қарз, ҳам фарздир.

Эр ҳурматини жойига қўйган аёл бахтлидир. Оқил эр бош бўлган хонадон обод, бола-чака бахтиёр яшайди. Эркакнинг асли, диёнатли, мард бўлади, сўзидан қайтмайди. Яхшиликка кўкрак қариб, ёмонликка беомон бўлади. Покликни шарф тожи қилиб, эл-юрт ташвишида яшайди. Ота-онани бошига қўйиб, жигаргўшларига меҳрибон аёлманд ва болажон бўлади.

Эр-хотин ўртасидаги келиш-мовчиликларнинг сабаби ўрганилса, уларнинг кўпчилиги арзимаган майда-чуйда гаплардан бошлаганини кўра-миз. Кўпинча эр-хотиннинг гапига аёл терс жавоб беради, хотиннинг гаплари эрга оғир ботади. Шу билан жанжал бошланади, асаблар зирқирайди. Шундай ҳолларда икки кишидан бири бир оғиз гапдан қолса, оғирлик қилса, ширин гапирса, "кечиринг" сўзини тилга олишдан орланмаса, олам гулистон.

Бир ортга назар солинг. Фарзандли бўлиш умиди йўқми сизда. Албатта, бор эди. Ўша бахт эшигингизни қоқиб келганида эса сиз унинг қадрига етмайсиз. Ачинарлиси, бу хатти-харакатларингиз, нафақат сизни, шу билан бирга, яқин қариндошларингиз ва турмуш ўртоғингиз яқинларини ташвишга солмай қўймапти. Фарзандларингизга отасиз яшаш ёқда, деб ўйлайсизми? Адашасиз. Яхшиси, бир вақт топиб ҳаммасини таҳлил қилиб кўринг. Ҳали ҳам вақт бор. Чунки турмуш ўртоғингиз шу қилмишингизга ҳам қарамай, сизни кечиради, деган умидданман. Сабаби, у сизга айнан фарзандли бўлиш умидида уйланди.

Ойша ТўРАЕВА,
профессор.

ШОШИЛГАНИ БИЛАСИЗ

18 ёшга тўлганига қадар вояга етмаган ҳисобланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларигача боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги қайд этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Вақтли оила қуриш керакми? Айрим давлатларга эътибор берсак, ўртача турмуш қуриш ёши 24-25 оралигида. Жумладан, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва кўплаб Европа давлатлари шулар қаторида. Аммо бизда баъзи аёллар бу ёшда икки-уч болали бўлаётир.

— Аёл қанча ёш бўлса, хомиладорлик давридаёқ турли патологик, экстрагенитал хасталиклар кучаяди, йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида рўй берадиган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари кўп бўлади, — дейди Тошкент шаҳридаги 33-оилавий поликлиника акушер-гинеколога Хурсаной Саидова. — Эрта хомиладорлик кўпинча бола тушиши ёки ўлик туғилиши билан тугайди. Бу хомила ривожланиши, ҳам она, ҳам бола саломатлигига катта хавфдир. Унинг асорати кейинги хомиладорликнинг нормал кечиши ва туғруқнинг табиий равишда амалга ошишига ҳам салбий таъсир кўрса-

тиши мумкин. Шу боис ёш турмуш қурган аксар аёлларнинг фарзандлари жаррохлик амалиёти орқали дунёга келтирилмоқда.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Эрта турмуш қуриш борасида тан олиш керакки, айрим қизларимизнинг ҳам айби йўқ эмас. Шу муаммолар яққол кўзга ташланиб турса-да, айнан юқоридаги каби муаммолар баъзан эътибордан четда қолаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Бунга ота-она, маҳалла-қўй, қолаверса, йигит-қизларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлаётгани ҳақиқат. Яқинда биз "Қизлар неча ёшда турмуш қургани маъқул?", деб номланган сўровнома ўтказдик. Унда қатнашчиларнинг 12 фоизи 18-20 ёшда, 34 фоизи 20-22 ёшда, 54 фоизи эса 22 ва ундан юқорида турмуш қурган маъқул, деб овоз беришди.

Аксар ёшлар ўқишни битириб, жамиятда ўрнини топиб кейин оила қуришни маъқул кўрмоқда. Ёш узатилаётган қизлар, афсуски, ота-оналар истаги қурбонига айланаётгани ташвишланарли.

...Яқинда эндигина 17 га қадам қўйган қиз икки тараф келишуви билан катта ҳаётга қадам қўйди. Кўз

Тарбия

ОИЛАНING
ОЛТИН РИШТАСИ

Болалик инсон ҳаётида муҳим босқичлардан бири бўлган боис, унда бўлиб ўтган воқеалар одамзотнинг онгида абадий муҳрланади. Кела-жагимиз эгаларини жамиятда тўлақонли ҳаёт кечиришга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаол, ижодкор, шунингдек, маънавий жиҳатдан баркамол авлод сифатида вояга етказишда оиланинг, ота-онанинг ўрни беқиёс.

Ҳар бир ўғил-қиз ўзининг муваффақиятлари билан ота-онасини хурсанд қилишни истайди. "Мақта-бимиздаги ота-оналар йиғилишига сиз боринг, дадажон", дея кўзлари жавдираб турган болага айрим оталар: "Ана, онанг боради, менинг бекорчи вақтим йўқ", деган жавобни жўнгина айтадилару, кундалик ташвишга шўнғиб кетадилар. Аммо ана шу тadbир фарзанди учун жуда муҳим эканини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. "Мақтабда яна йиғинми? Намунча ота-оналарни қақираверишади, булар?!" деб оғрингувчилар ҳам афсуски, орамизда учраб туради. Лекин бир нарса ни унутмаслик керакки, боланинг шахс сифатида шаклланиши, ўзига ишончи мустақамланиши унга дахлдор бўлган ҳар бир юмушга ота-онанинг эътибор беришига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фарзандлар маънавияти оилада шаклланади. Ҳар бир хонадонда отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни бўлиши керак. Ана шундагина оиладаги олтин ришталар мустаҳкам бўлади. Бир-бирига ўзаро меҳр-оқибат кўрсатган оилалар фарзандлари эъзоз ва ардоқни ҳис этиб улғаядилар. Улар кейинчалик ҳаётда одамлар билан тезда сингишиб, жамиятда ўз ўрнини топиб кетадилар. Аммо ота-онанинг ўз ташвишларига андармон бўлиб, бола тарбияси ўз холига ташлаб қўйилган гўшарларда одоб-ахлоқ мезонларига путур етади. Жанжалкаш ёки гиёҳвонлик, ичкиликка ружу қўйганларнинг болаларида (оталари туфайли бўлаётган оиладаги келишмовчиликлар, тинимсиз жанжал оқибатидаги уйдан, ота-онадан совиб сабабли) атрофдагиларга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, меҳр йўқолади. Катталарни ҳурмат қилмаслик, ўзбилармонлик ва худбинлик каби иллатлар шаклланади.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда фаол, баркамол ва салоҳиятли ўғил-қизларни тарбиялашда "Маҳалла — оила — таълим муассасаси" тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти жуда катта бўлмоқда. Фарзандлари тарбиясига эътиборсиз ота-оналар билан маҳалла ва таълим муассасаси вакиллари алоҳида иш олиб боришмоқда. Бу билан бугунги фаол ёшларимиз онгида оила, ота-онага ҳурмат деган муқаддас тушунчалар янада мустаҳкамланмоқда.

Насиба ОМОНОВА,
Сергеи тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

Бахт остонаси

ўнгимда гўё ундан бахтли одам йўқдек эди. Аммо орадан етти ой ўтар-ўтмас, ўша келинчақ ҳаётда тажрибасизлик етишмадим, ёки бошқа сабабми, ишқилиб, кўзларимда ёш билан ота уйига қалтди. Ёшгина, навиҳол кизнинг қўлдек умрини хазон қилганлар ким эди, деган ҳақли савол туғилганида тўйга бош-қош бўлганлар бир чеккада томошабин бўлиб туришганига не дейсиз? Энг кизми, агар шундай ҳолат рўй бергудек бўлса, ўйламай-нетмай, майли, тақдирда бор экан, дейишдан нарига ўтолмай-миз. Минг афсуски, ана шу шошилинч ҳолатда қўрилган гўшанинг мўртгина пойдеворини ўзимиз қўйганимизни унутамиз.

Узокни кўролмайдиган, айрим шошалоқлар қизларининг кейинги қисматини уйинчоқ деб билганликлар боис "Қанча эрта турмуш қуришса, шунча тез қутиланаман", деган но-тўғри қарашдан ваз кечсалар, ҳам оиланинг, ҳам жамиятнинг, ҳам фарзандларининг соғломлигини таъмин этган бўларди. Ахир, соғлом фарзанд — соғлом онадан дунёга келади-да.

Зухра ЯРАШЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

“КАРЬЕРА”ГА КЎНГАН КАМПИР

Инсон улгайгани сайин уйланиш ё турмушга чиқиш масаласига рўбарў келади. Баъзан эса ҳар хил баҳоналар билан ундан чекиниш, қочишга уриниш ҳолатлари учрайди. Бу ваз-карсонми ё кишининг ҳаётий режаси, барибир, шарқона қараш нуқтаи назаридан атрофдагилар, айниқса, ота-оналарга ёқавермайди. Эҳтимол, кексаларимизнинг бугунги турмуш қуриш мезонларини ҳазм қила олмаётганлиги, биринчи галда, ўша даврга хос 14 яшар қизнинг узатилиши билан боғлиқдир. Айни пайтда тез-тез дуч келаётганимиз “карьер” масаласи, аёллар ўртасида турмуш қуришининг нисбатан кечикишига сабаб бўлаётган муҳим омиллар сирасига кирди. Бир жиҳатдан олиб қараганда у анъанавий мезонларни бузиб юбормаётими, деган савол туғилади.

“Карьера”га кўнмаган кампир

...Момомнинг ҳам ташвиши кўп. Яқинда бир ўғлини уйлантирганди. Ҳаш-паш дегунча, кейингиси ҳам тайёр. Тўйга ҳозирланиб юрувди, негадир келин тараф розилик бермай, тўй чўзилди. Қуда тараф “Қизимиз институтни битирсин!” деганимиш. Икки-уч йил ўтди...

Хуллас, бир неча кун илгари момом сим қокди. Хол-аҳвол сўрашга, кампирнинг “дарди” эсимга тушди:

— Тўй ташвишлари билан чарчамаясизми?

— Чарчадим, ўғлим! — деди норизо.

— Нега? Ташвишнинг бори яхши-ку!

— Гап бошқа ёқда. Келин маъкул тушувди, лекин...

— Нима, куёв бола кўнмадим?

— Йўғ-эй, қизи курғур, нимаиди, бир нарса қиламан, дебди.

— Магистратурами?

— Йўқ, ўзи сендан сўрамоқчидим. Кар — ье — ра...

Момомнинг гапидан завқланиб, яна саволга тутдим.

— Карьерасига сиз кўнмадингиз, шундайми?

— Нега кўнмас эканман, розиман? Жуда соз-да! Асбоб-ускуналари, матоларини олиб берамиз, уйда карьера қилаверади. Ҳовлимиз кенг бўлса, хоҳлаган нарсага жой

топилади. Кўни-кўшнларга мақтанаман, бизнинг келин карьера қилапти, деб.

Роса кулдим.

— Шошманг, сиз яхши тушунмагансиз?

— Нега, роса тушундим-да! Карьера деяпти...

— Карьера дегани...

Саратон сабаби(ми)?

“Карьера” дегани — маъна, иш погонасининг юқорилашувиға эришиш, ёки келажакда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш. Шунинг учун карьера қилиш истагидагилар келгуси ҳаётини олдиндан режалаштириш, умрининг маълум бир қисми-

фондини сақлаб қолиш бора-сида тезкор ҳаракатларга ундапти. Қизлар орасида 25 ёшдан кейин турмушга чиқмаслик сабаб кўрак саратони келиб чиқмоқда. Туғилиш қамайиб, ўлим кўпайгани боисидан миллатнинг асосий бўғини ўрта ёшлиларга айланмоқда. Турмуш қуриш эса ўртача 30-35 ёшни ташкил этаётир. Ваҳоланки, 35 ёшдан ошган кишилар ўртасидаги турмуш фарзанд кўриш имконини кечиктирибгина қолмай, миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлаётир.

Бугун аксарият олимлар карьера муаммоси аҳолининг турмуш даражасини яхшила-

устидан чиқиб қолдим. Маҳалла фуқаролар йиғини радиси тадбир ўтказаетган экан. Бир опа куйиниб гапира кетди.

Кадр ўчоғи

— Зарифа чеча қизини узатди. Энди ўн еттига тўлди. ФХДЁ бўлимга бориб, зўрга розилик олдик. Лекин қиз касб-хунарли, борган рўзгорини обод қиладиган. Эрта турмушга чиқишининг оқибатларини ҳаётда кўриб турибмиз. Фалончининг қизи ажрашибди, фалончининг ўғли келини билан келишолмапти экан, бировнинг турмуши бузилибди, деган гаплар тез-тез кулоғимизга чалинади. Ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмаганлар оиланинг қадрига етармиди?! Оила муқаддас. Унинг қадри бўлакча. Ҳали оила тўғрисида фикри шаклланмаган қизга катта бир масъулиятни юклаш уни анча синдириб қўяди. Турмушнинг аччиқ-чучигини татиған одам турмушнинг ўнқир-чўнқирларига чидайди. Шунинг учун ҳам эрта турмуш оилаларнинг ажралишларига сабаб бўлаётир. Бари ҳаётий мезон асосига қурилиши керак.



ни шу мақсад йўлига сарфлаш, бошқа мақсадлар, айниқса, оила қуриш масаласини четга суршидир.

Сўровларда аниқланишича, аёлларнинг аксарияти иш жойини тез-тез ўзгартиришни хушламайди, бирор муассасада фаолият юритиб, бу соҳанинг ҳақиқий устаси бўлишни, шундан сўнггина нафақага чиқишни маъқул билишади. Тадқиқотчиларнинг махсус сўровномалари натижасида 9 фоиз аёл омадлик карьера йўлини танлаган бўлса, 36 фоизи бир жойда муқим ишлашни, 45 фоизи эса оила ва шахсий ҳаёт мутаносиблигиға эришиш энг маъқул йўл дейишган. Аммо “ҳар бошда ҳар хаёл” деганидек, одамларнинг қайси йўлдан бориши ўз хоҳиш ва имкониятлари, салоҳиятини инобатга олишларига боғлиқ.

Ҳақиқатан уйлаб қаралса, қизиқ гаплар хаёлга келади. Бир сафар қизик ҳангоманинг са-да, бир қатор муаммоларнинг илдизи эканини таъкидлашаётир.

Сўровларда аниқланишича, аёлларнинг аксарияти иш жойини тез-тез ўзгартиришни хушламайди, бирор муассасада фаолият юритиб, бу соҳанинг ҳақиқий устаси бўлишни, шундан сўнггина нафақага чиқишни маъқул билишади. Тадқиқотчиларнинг махсус сўровномалари натижасида 9 фоиз аёл омадлик карьера йўлини танлаган бўлса, 36 фоизи бир жойда муқим ишлашни, 45 фоизи эса оила ва шахсий ҳаёт мутаносиблигиға эришиш энг маъқул йўл дейишган. Аммо “ҳар бошда ҳар хаёл” деганидек, одамларнинг қайси йўлдан бориши ўз хоҳиш ва имкониятлари, салоҳиятини инобатга олишларига боғлиқ.

Хушаманг, сиз яхши тушунмагансиз?

— Нега, роса тушундим-да! Карьера деяпти...

— Карьера дегани...

— Карьера дегани...

Асос — халқ тутуми

Халқнинг табиати бевосита аждодлар тутуми билан ҳамохандир. Ҳар бир киши қилинажак ишини атрофдагилар кўмағида, бамашлахат амалга оширганидек, инсонлар ҳам ота-боболарининг ҳаётий тажрибасига суянади. Бунинг аксини бугун ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда никоҳ ёши эркакларга 18, аёлларга 17 ёш қилиб белгиланган. Азалий урф-одатларга таянсақ, ҳар бир жамоанинг ўз урф-одати бор. Ота-боболаримиз карьера тўғрисида уйлаб ҳам кўришмаган, эҳтимол, ўша даврда ҳеч кимни бу масала безовта қилмаган-дир. Хуллас, буй етган қиз ё йигит Уйбошининг танлови, қарори асосида турмуш қураган. “Бешик керти”, “Кулоқ тишлов” сингари удумлар айнан ўша даврга хосдир. Бугун ҳам бу урфнинг элементлари учраса-да, кенг тус олмаган.

Мушоҳада

Оила шубҳасиз, тарбия, таълим бўвағаси. Азал-азалдан халқимиз унинг бардавом, жипс ва мустақамлиги учун қайғурган, тиришган.

— Мана, Ойбувиш чечанин келини ҳам рўзгорни, ҳам ишни, ҳам карьерани эп-лапти, — деган гаплар кулоғимга чалинади ҳамқишлоқлар оғзидан. — Эрталаб сизгирини соғаётганини кўрсам, тушдан сўнг мактабдан қайтишини биламан. Бировга чурқ этиб, турмушидан нолиганини зшитмайди, қишлоқдагилар. Тагин шу даражада касбини севадики, бекор қунлари кўни-кўшнни қақириб, инглиз тилидан дарс ўтади. Рўзгориям обод, бошқаларга ҳам фойдаси катта. Болалар қуни билан кўча чангитмайди, индамай дарсини бажаради, шуниси яхши-да!

Машхур психолог ва психотерапевт Вирджиния Сатир: “Оила — бугун олам микроиноти. Уни тушуниш оилани ўрганиш учун етарли. Оилада мавжуд бўлган ҳокимият, сирдошлик, мустақиллик, ишонч, мулоқот кўникмалари — ҳаётдаги кўпгина ходисалар қалити. Агар биз дунёни ўзгартирмоқчи бўлсак, оилани ўзгартиришимиз зарур”.

Кўниш

Яқинда ҳалиги момони учратдим.

— Тўйга ўт, жўрангни унаштирдик, — деди у қулиб.

— Охири кўндигизми?

— Ҳа, нега кўнмас эканман?! Бировга зиёни тегмас, шуниси маъқул-ку. Удда-бурунгина экан, оиланиям, ўқишини ҳам эплайди. Карьерасиям давом этавераркан, умрини бекор ўтказаркан нима наф. Боласига ўзим қарайман, невра дегани ширин-да, бола!

— Шундай, денг! Тўйни белгиласангиз, айтинг!

— Ҳўп, айтаман...

Албатта, миллат менталитети, асрий анъаналар, урф-одатлар дунё халқларини бир-биридан ажратиб турса-да, уларни умуминсоний гоғлар, эзгулик ва тотувлик бирлаштиради. Оила эса ишонч, меҳр пойдеворидан қад ростласагина бардавомдир.

Олимжон ЖУМАОБОВ.

САФАРДАН АВВАЛ

Яқинда туман паспорт бўлимасига биометрик паспорт олиш учун ҳужжат топширдим. Аммо тез орада узоқ сафарга кетишим керак эди. Айтинг-чи, бундай вазиятда қандай йўл тутишим мумкин?

Б. Бозоров.

— Биометрик паспортлар ҳужжатлар топширилгандан сўнг 10 (ўн) иш куни давомида тайёр бўлиши белгиланган. Бундай вазиятда узоқ сафарни биометрик паспорт расмийлаштирилгандан сўнг режалаштиришингиз ёки янги паспортингизни мўлжалланган сафардан олдин расмийлаштиришингиз тасвия этилади. Шунингдек, биометрик паспорт олиш мақсадида топширилган аввалги паспортлар фуқароларга қайтариб берилмайди.

Саволга Пахтачи туман ИИБ паспорт бўлимаси инспектори, сержант Қосим МАЪРУПОВ жавоб берди.

ЖАВОБГАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Маъмурий жазонинг турлари ҳақида маълумот берсангиз?

К. Эргашев.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 23-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир

этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажнабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин.

Саволга Пахтачи туман ДНИ нотариуси Жўрабек ИГАМОВ жавоб берди.

ХАСТАЛИК ДАВОСИ РУҲИМИЗДА!

...Бир куни меҳмонхонада эр-хотин тунаб қолишди. Кечаси аёлнинг нафаси сиқа бошлади. Эр қоронғида (чироқ йўқ эди) тусмоллаб борди-да, ойнани синдирди. Кейин ташқаридан ел кириб, аёл ўзига келиб, ухлади. Улар уйғонганда дераза ойнаси эмас, девордаги кўзгу синган экан...

Инсонмиз, ишонамиз. Ички умидимиз устун келиб, муваффақиятларга ҳам эришамиз. Оддийгина ички ишонч билан не-не хасталиклар чекинган. Шифокор бизга дори эзиб беради. Соғайиб кетишимизни шунга боғлаймиз-да. Хуллас, энди баъзи ҳақиқатларни очамиз.

Ихлоснинг кучи шунчаликки, оғир ётганлар ҳам унинг ёрдамида оёққа турган. Бир куни бир бемор киши қайсидир қишлоқ булоғидан сув ичганлар соғайиб кетаётгани ҳақида эшитибди. Ўзининг мажолли етмагач, қўшнисига булоқ сувидан олиб келишини илтимос қилибди. Кейин умид билан кута бошлабди. Уч кундан кейин қўшниси уйга қайтибди, аммо сувни унутган экан. Нима қилишни билмай қолган қўшни уйдан бир идишга сув олиб, қўшнисига берибди. Қайта-қайта миннатдорчилик билдирган

бемор оз-оздан ўша сувдан ичиб соғайиб кетибди...

Демак, ҳаммаси ички ишончда. Энди шу ишонччи дорисиз ўзимизга қўллаб кўрсак, натижа чиқармикан. Ибн Сино олдида келган беморларга доимо: "Биз уч кишимиз. Мен, сен ва касаллик. Агар, сен мен билан бўлсанг, уни енгамиз, аксинча,



бўлса, йўлингдан қолма", дер экан.

Ўтган улуғларимиз танасидаги дардга кийимларига илакишган бир чўп ё сачраган сув мисоли қарашган. Ўзимизни ўзимиз хасталик сари етаклаётганимизни тушунаётгандирсиз.

— Ҳар куни ўнлаб беморларни қабул қиламан, — дейди **пойтахтимиздаги 59-оилавий поликлиника шифокори Дилмурод Каримов**. — Уларнинг ўзини тутишлари мени ҳайратга



Ойна

солади. Ўзларини касалдек, яъни оғир ҳис этишади. Қиммат дори-дармонлар эзиб беришимни илтимос қилишади. Оддий чоралар ҳақида гапирсам, гўё шифокордек уларнинг таъсир қилмаслигини айтишади. Тушунганлари гапимга кулоқ солади, аммо аксарияти бутун умидини дорида, менга боғлаб қўйган.

Бугун бутун дунёда озиқ-овқат дўконларидан кўра дорихоналар кўп (айниқса, ўлкамизда ёмғирдан кейинги кўзиқориндек дорихоналар сони ойу йил сайин ошиб бораётганига не деймиз?!). Куну тун радио тўлқинларидан, телеэкран, матбуот нашрларида намойиш этилаётган рекламаларда ҳам кўзни қувнатиб, "иштаҳа"ни очиб юборадиган дорилар кўз-кўз қилинаётгани-чи? Хатто соппа-соғ одамнинг ҳам зўр бериб мақталган дориларни ичгиси келиб кетади.

Руҳан соғлом одам асосан, моддий манфаат устун қўйилётган бу каби сохта чақириқларга "лаббай" деб жавоб бермаслигимиз керак. Чунки биз онгли мавжудот — инсонмиз-ку! Хуллас, ўзимизни ўзимиз касал қилавермасдан давога ҳам шошилишимиз керак. Аммо уни ҳадеганда шифокордан, дори-дармондан излайвермайлик. Ички имкониятларимиз ҳақиқатдан чексиз. Ундан унумли фойдаланиш йўллари излашимиз керак.

Хулоса қилганда, танамизнинг ўзини ўзи тиклашига ишонишимиз лозим.

Аҳад ЖУМАНКУЛОВ.




ЭКО-РЕСТОРАН

Болалик орзулари ранг-баранглиги баробарида уларнинг чеки бўлмайди. Ана шундай ажойиб орзулардан бири эса, худди қушлар каби дарахт тепасида уйчамиз бўлишидир. Янги Зеландиялик мейморлар улкан секвойя дарахти тепасида, ердан 10 метр балангликда эко-ресторан қуриб, ана шундай орзуну рўёбга чиқаришга муваффақ бўлишди. Гўёки қушлар ичини эслатувчи бу иншоот ресторани сифатида хизмат қилади. "Дарахтдаги сариқ уй" (Yellow Treehouse) деб номланувчи мазкур ресторани Янги Зеландиянинг Окленд шаҳридан 64 км. узоқликдаги ўрмон бағрида жойлашган.

ОЛМАНИНГ ТОШ "ҲАЙКАЛ"И

Янги Зеландиядаги Жанубий оролнинг шимолий қирғоқларида яқин жойда, аниқроғи, Тасман



қўлтиғида табиатнинг "ижод" маҳсули бўлган ажойиб бир мўъжизани кўриш мумкин. "Жаннатнинг тош олмаси" деб номланувчи жуфт гранит қоясига узоқдан тикилсангиз, ўзининг геологик шакли билан чиндан ҳам худди иккига бўлинган олмани эслатади. Бу объект уммон соҳилидан 50 метр узоқликда жойлашган.

МИТТИ КИНОТЕАТР

"Куёш кинотеатри" (Sol Cinema) — куёш батареясида қувват олиб ишлайдиган дунёдаги энг кичкина кинотеатр ҳисобланади. Бу жойда табиатни муҳофаза қилишга чорловчи экология мавзуларидаги фильмлар намойиш этилади. Кинотеатр катталарга мўлжалланган саккизта ва болалар учун 12 та тошабин ўриндиғига эга.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

25 DEKABRDAN 10 YANVARGACHA

О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VA SPORT ISHLARI VAZIRLIGI
МИНИСТЕРСТВО ПО ДЕЛАМ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
«O'ZBEKSIK» RESPUBLIKA BIRLASHMASI
PO «UZBEKCIK»

NOVOTODAYIYE PRIKLJUCOYEVIYA QIJKSIKOV

10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00

PIKSIKLARNING YANGI YIL SARGUZASHTLARI

MUROJAT UCHUN TELEFONLAR
СПРАВКИ ПО ТЕЛЕФОНАМ
244-35-91, 244-34-35

Хизматлар
лицензияланган 2016

Bizniqiz manzil toshkent sh. G'Chiqim ko'chasi 1
www.sirk.uz

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 4286. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08